

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! | Термиз туманида “Маданият карвони”нинг галаконцерт дастурлари бўлиб ўтмоқда



Азим пойтахт, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган бир гуруҳ олим ва шоирлар, қўшиқчи санъаткорлар, театр ва кино арбобларидан иборат “Маданият карвони” туман марказида жойлашган “Марварид” дам олиш масканида туман аҳолиси учун ўзининг галаконцерт дастурларини намойиш этмоқда.

Концерт дастурини Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, Сенатор Минхажидин Ходжиматов ва Термиз тумани ҳокими Шухратжон Уринов сўзга чиқиб, очиб берди.

Галаконцерт дастурида кино ва театр актёрлари, хонандалар ҳамда санъаткорлар ўзларининг чиқишлари билан тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашмоқда.

Концерт дастурлари давом этмоқда.

















